



“ 28 ” май 2018y № 56

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-445-сон Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 341-сон қарорига мувофиқ давлат статистика органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш юритишни янада такомиллаштириш мақсадида, **БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда низом деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати бошқарма ва бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туман (шаҳар) статистика бўлимлари, Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази мазкур низомни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилсинлар.

3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси (Ф.Бердибаев), ҳудудий статистика бошқармалари, туман (шаҳар) статистика бўлимлари раҳбарлари, Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази директори:

бир ҳафта муддатда, ушбу низомни давлат статистика органларининг барча ходимларига таништирилишини;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш бўйича барча иш юритиш ҳужжатларини қатъий равишда мазкур низом талаблари асосида юритилишини таъминласинлар.

4. Раис ўринбосарлари Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ва қуйи тизим бўлинмалари томонидан низом талабларини тўлиқ ва пухта ижросини таъминланиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

3. Мазкур низом тасдиқланиши муносабати билан, Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 31 октябрдаги 104-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Раис

Б.Бегалов